



# Ishonch

**Ишқият**  
**Бизнинг муқаддас вазифамиз — Ватан шону шўқрати, қудрати ва салоҳиятининг юксалиши учун ўзимизнинг фидойи меҳнатимиз билан муносиб ҳисса қўшишдир.**  
Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan



## Сифатли тола харидорлари кўпаймоқда



**Президентимиз ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида толани қайта ишловчи саноат корхоналари ҳам фаол иштирок этиб, уларда тайёрланаётган маҳсулотга харидорлар тобора кўпаймоқда.**

Маргилон шаҳрида иш бошлаган «TEXYGEN» масъулияти чекланган жамиятида юртимизда етиштирилган пахта толасидан замонавий технологиялар асосида халқаро стандартларга мос, сифатли калава ишлаб чиқаришмоқда. Мазкур янги корхона «Marg ilontekstil» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси негизда ташкил этилиб, «Evgoziya invest» масъулияти чекланган жамияти томонидан 120 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция ҳисобига модернизация қилинди. Корхонада 150 нафар йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Шу кунга қадар корхонада 520 тонна пахта толаси қайта ишланиб, экспортбоп калава ип ишлаб чиқарилди.

**М. КОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат**

Суратда: ишчи Минаввар Комилова.

## Долзарб мавзу

**Мустақиллик ҳар бир кишига тадбиркор бўлиш имкониятини яратиб берди. Ўзини бу соҳада синаб кўраётганлар орасида шифокор, қурувчи, хуллас, барча касб соҳибларини кўриш мумкин. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси бир неча йилдирки, ишбилармонларга ҳар томонлама кўмак бериш, қўллаб-қувватлаш билан шуғулланиб келади. Палатанинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи Хожамурод Қайипназаров билан суҳбатимиз ҳам шу ҳақда.**

# Тадбиркор — элга, палата — тадбиркорга таянч

— **Хожамурод ака, 2010 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотнома билан танишиб, диққатимни бошқарма томонидан мунтазам равишда ўтказиб келинаётган ўқув семинар, бизнес-форум, конференция, тренинг ва давра суҳбатлари тортди. Бундан қўзланган мақсад нима?**

— Мақсад — тадбиркорларнинг билимини ошириш. Чунки тадбиркорга билим сув ва ҳаводай зарур. Албатта, энг аввало, ҳисоб-китоб, ҳужжат юритишни билиши лозим. Қолаверса, ҳуқуқ ва мажбуриятларидан боҳабар бўлиш кераклигини даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Турли кўриниш ва шаклларда уюштирилган йиғинларимизда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини тадбиркорларга кенг тушунтириб, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга доир амалга оширилаётган ишлар ва яратилган имтиёзлар тўғрисида маълумотлар бериб келмоқдамиз. Айтилик, бошқарма қўшидаги «Замонағой (замонавий) бизнес таълим» ресурс ва тренинг маркази Тошкентдаги «SERT AKADEMI» компанияси билан биргаликда ўтказган тренингда сифат тизими менежменти ҳақида гап борди. Унда 16 та йирик корхона вакили иштирок этиб, бу масала юзасидан билимларини мустаҳкамлашди. Шу ўринда «Замонағой бизнес таълим» ресурс ва тренинг маркази ҳақида қисқача маълумот: марказ ёшларни тадбиркорлик ва бизнесга ўргатиш билан шуғулланади. Барқамол авлод йили муносабати билан бу ерда «Ўз ишингни бошла» ва «Бизнес режа тайёрлаш» курсларида 45 нафар кам таъминланган ишсиз ёшлар бепул ўқитилиб, уларнинг 17 нафарига ўз корхонасини ташкил қилишга, бизнес режа тайёрлашга амалий ёрдам кўрсатилди. Нукус шаҳри ва Ҳўжайли тумани бандликка кўмаклашиш марказлари билан ҳамкорликда 95 нафар ишсиз фуқаро компьютер саводхонлиги ва тадбиркорлик асослари бўйича ўқитилиб, иш билан таъминланди. «Хунармад» бирлашмаси билан ҳамкорликда ташкил қилинган хотин-қизлар учун мастер классларида 75 нафар аёлга хунармадчилик сирлари ўргатилди.

Умуман, йилнинг ўтган даврида 100 дан зиёд тадбир уюштирилиб, уларга 7 мингга яқин тадбиркорлик субъекти вакиллари жалб қилинди. — Тадбиркорга берилган билим фаолиятида муаммолар бўлмаслиги учун етарли эмас. Фаолиятни янада ривожлантириш, умуман, ҳуқуқ ва

конуний манфаатларини ҳимоя қилиш масаласига бошқарма қандай муносабатда бўлмоқда?

— Бу бизнинг асосий фаолият йўналишларимиздан саналади. Юқорида қайд қилинган семинар ва ўқувларда тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган шароит, имтиёз, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, назорат қилувчи органлар томонидан ноқонуний текширишлар вақтида ўзини қандай тутиш кераклиги ҳақида ҳам сўз борди. Умуман, ноқонуний текширишлар тадбиркорни қийнаётган муаммоларнинг бири эканлигини эътиборга олиб, ушбу мавзуга алоҳида эътибор қаратганимиз. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан Ўзбек ва рус тилларида ишлаб чиқилган «Текшириш пайтида ўзини қандай тутиш» видео ролиги ва буклетлар, шунингдек, норматив ҳужжатлар тўғрисида тадбиркорларга бепул тарқатилмоқда. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги ҳакамлик судлари», «Ҳакамлик судлари қандай ташкил қилинади?», «Ҳакамлик суди судьясини қандай танлаш керак?» номли буклетлар, «Текширишлар ҳақида нима билиш керак?» номли брошюралар ҳам етказилди. Бошқарма ва унинг қoшидаги 16 шахар ва туман Ахборот-маслаҳат марказлари томонидан таъсис ҳужжатлари тайёрлаш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, бизнес режа ҳужжатларини тайёрлаш, юридик ва бошқа хизматлар йўғга қўйилган.

Тадбиркор ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мақсадида жорий йилнинг биринчи ярмида Ҳўжайли судларига жами 1 млрд. 524 млн. 860 минг сўмлик 64 даъво аризаси киритилиб, улардан 39 таси палата аъзолари фойдасига ҳал этилди. Қолган даъво аризалари қўриб қилинмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларга қўлай шарт-шароит яратиш мақсадида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси қўришда бошқарма ҳамда барча туман ва шахар ахборот-маслаҳат марказларининг жамоатчилик кенгашлари тузилган. Мазкур кенгашларда ишонч телефонлари, шунингдек, бозор ва аҳоли кўп йиғилладиган жойларда 37 та «Ишонч» кўтиси ўрнатилган. Йилнинг биринчи ярмида «Ишонч» телефонларига келган элликка яқин мурожаатга қонуний асосларда жалб қайтарилди ва маслаҳат берилди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларида ўтказилган текширишлар юзасидан 8 та ариза қонуний ҳал қилинди.

(Давоми 2-бетда)

## Барқарорлаштириш самаралари

# Корxonанинг иккинчи ҳаёти

**Бир пайтлар нафақат Мирзачўл воҳасида, балки мамлакатимизда таниқли саноат корхоналаридан бўлган Янгиер қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати бозор талабларига жавоб бера олмай ночор аҳволга тушиб қолди. Ушбу корхона базасида «Янгиерўлиндустрия» давлат унитар корхонаси тузилди ва Вазиrлар Маҳкамасининг қарорига асосан «Ўзавтойў» давлат акциядорлик компанияси таркибига қўшилди.**

— Корхонада яна қайноқ ҳаёт бошланди, — дейди унинг директори Абдуғаффор Худойбердиев. — Айни кунда йўл қурилиши объектларига қўллаб турдаги тайёр темир-бетон маҳсулотларини етказиб бераймиз. Жамоада ишлаб чиқариш суръати йилдан-йилга ошмоқда. 2008 йилда 640 миллион, 2009 йил давомида 1 млрд. 50 млн. сўмлик маҳсулот тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилди. Маҳсулотлар сифатли бўлгани учун буюртмачиларимиз кўпаймоқда. Нафақат Сирдарё, балки Тошкент, Жиззах,

Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари ҳудудидаги қурилиш объектларига шартнома асосида маҳсулот жўнатилмоқда. Ишлаб чиқариш ҳувватларини янада ошириш ва модернизация учун яқинда «Саноатқурилишбанк»нинг вилоят филиалидан 300 млн. сўмлик кредит олинди. Кредитнинг 100 млн. сўми ишлаб чиқаришни модернизациялаш ишларига йўналтирилади. Ушбу маблағ ҳисобидан кам ҳаражат талаб қиладиган янги буг қозонхонаси бунёд этилади. Қозонхона ишга туширилиши билан корхонада маҳсулот

ишлаб чиқариш ҳажми кескин ошади. Кредитнинг 200 млн. сўмига эса цемент, металл каби зарур хом ашё харид қилинади. Бу ерда эндиликда нафақат темир-бетон, балки уй-жой қурилиши учун зарур бўлган пойдевор блоклари, том ёпишга мўлжалланган плита, лоток, бетон тўсиқ каби 45 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилади. Ишчи-хизматчилар меҳнатини муносиб рағбатлантириш, қўлай иш шароити ярати беришга катта эътибор қаратилган. Ойлик иш ҳақи, мукофот пуллари вақтида

тулланмоқда. Шундай гамхўрликлар боис жамоада илғорлар сафи кенгайиб, ишлаб чиқариш режалари ошиғи билан урдаланмоқда.

Яқинда кўшимча 25 та иш ўрни яратилди. Айни кунда 140 нафар янгиерлик ёшлар доимий иш ўрнига эга. Йил охиригача уларнинг сони 200 нафарга етказилиши режалаштирилмоқда.

Воҳанинг 71 та турар-жой массивида 275 та янги намунавий лойиҳа асосида бунёд этилаётган уй-жойларга «Янгиерўлиндустрия» корхонаси томонидан темир-бетон маҳсулотлари пешма-пеш етказиб берилаётир.

**Анорбой НОРҚУЛОВ, «Ishonch»нинг жамоатчи муҳбири**

## Янгилашни

# Келажак эгалари учун

**Кейинги йилларда Анджион вилоятида катта бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Кўплаб маданий, маиший, савдо, спорт иншоотлари қурилиб, қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилаётир.**

**Анджионликлар фаҳрига айланган «Ёшлар маркази» шундай қошоналардан биридир. Собик «Марказий савдо мажмуаси» охириги йилларда қаровсиз ва ночор аҳволга келиб қолганлиги сабабли вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан «Ёшлар маркази»га айлантирилиб, 2007 йилда қайта таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.**

Марказда ёшларнинг пухта билим олиши, спорт билан шуғулланиши, турли тадбирлар ўтказиши учун барча шароит муҳайё этилди. Иншоотнинг пастки қаватида ўғил ва қиз болалар учун спортнинг бокс, самбо, каратэ, таэкван-до, тренажор, гимнастика, фитнес ва спорт тадбирлари ўтказиш учун заллар мавжуд. Марказнинг биринчи қавати тантаналар саройи, никоҳни қайд этиш хонаси ва гўзаллик салонидан иборат. Иккинчи қаватдаги «Иқбол» ўқув марказида 14 та таълим йўналиши бўйича билим берилди.

Кўркам иншоотнинг учинчи қаватида боулинг зали, интернет кафе, «Ахборот ресурс маркази» жойлашган бўлиб, 135 та замонавий компьютер ва керакли ҳижозлар бор. Ҳатто иншоотнинг том қисми ҳам бўш қолдирилмаган. Бу ер болажонлар ҳордиқ чиқарадиган маскан бўлиб, турли кўринишдаги аттракцион, шаршара, бассейни, муқаймоқ ва салқин ичимликлар ичиш учун махсус жойлар бор. Атроф тўлиқ ободон-

лаштирилиб, автомобиллар турар жойи, ҳар хил тантаналар ўтказиш майдонлари ва 200 ўринли оталар чойхонаси қурилди.

— «Ёшлар маркази» фаолият бошлагандан буён 550 янги иш ўрни яратилди, — дейди марказ раҳбари Н.Раҳматуллаев. — Спорт тўғрисидаги 2000 га яқин, ўқув курсларига эса ҳар йили 3000 га яқин ўғил-қиз қатнашади. Спортнинг каратэ тури бўйича мураббийлар А.Юсупов, И.Ҳайдаров, М.Мўйидинов, С.Бозорхўжаевнинг шогирдлари О.Нўъмонжонов, Н.Нўъмонжонов, А.Отабоев, М.Жўраев, М.Қурбонова халқаро турнир ва Ўзбекистон кубоғи мусобақалари ғолиби бўлишди. Ишончим комилки, ҳали марказимиз тарбияланувчилари орасидан кўплаб жаҳон ва Олимпиада уйинлари чемпионолари етишиб чиқади.

Жорий йилда марказ фаолиятини янада ривожлантириш бўйича тадбир режаси изчил баҳариб келинмоқда.

**Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» муҳбири**

## Модернизациялаш

**Жиззах вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Қувонарлиси шундаки, 765 та корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг экспортбоп ёки импорт ўрнини босувчилигига эътибор кўйилган.**

**Биргина Жиззах шаҳрида 297 та саноат корхонаси ишлаб турибди. Биринчи ярим йилликда экспорт ҳажми 2,3 баробарга ўсди. Жумладан, 3 млн. 862 минг АҚШ долларлик маҳсулот Россия, Туркия, Хитой, Корея, Қозғиғистон, Эронга экспорт қилинди. Булар кимё, қора металл, машина асбоб-ускуналари, озик-овқат маҳсулотларидир.**

# Экспортбоп маҳсулот хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобига ортмоқда

Шаҳардаги корхоналарни модернизациялаш, янги техника ва технологиялар билан жиҳозлаш мақсадида 17 млрд. 772 млн. сўмлик кредит ажратилди. 69,2 млрд. сўмлик инвестиция ўзлаштирилиб, 17 та саноат лойиҳаси фойдаланишга топширилди.

«Асака банк» томонидан «Евро-Азия-Карпет» қўшма корхонасига экспортбоп гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 2,6 млн. АҚШ доллари, «Агро-банк» эса «Жиззахпластмасса» ОАЖга экспортбоп фитинг маҳсулотлари учун 238 млн. сўм, «Эталон-Санзор» қўшма корхонасига экспортбоп газмол учун 250 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратди.

Яқинда иш бошлаган «Жиззах-Элит-Пойабзал» қўшма

корхонаси йилига 144 минг жуфт эркак ва аёллар пойабзали ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, ўттизга яқин иш ўрни яратилди.

Вилоятда хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарнинг ҳудудий экспортдаги улуши йилдан-йилга ошапти. Бу кўрсаткич жорий йилнинг олти ойида 5,74 млн. АҚШ доллари ни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3 баробарга кўпайди.

Сўнгги пайтда хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарнинг чекка туманларда ташкил этилаётгани эътиборга молик. Жумладан, Бахмал туманида қишлоқ ҳўжайли маҳсулотларини қайта ишлашга иختисослашган «Фруилвитекс» Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхона-

си, Фаллаорол туманида қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган «Кристалл-Фуиндустри» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси, Мирзачўл туманида балик маҳсулотларини қайта ишловчи «Ankara Adema» Тур-

ҳўжайли, қурилиш, электротехника, пойабзал ва халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқаришга йўналмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида лойиҳалар асосида жами 15,1 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция

жалб қилинди. Дастур доирасида янги ишлаб чиқариш қуввати сони ортиб бормоқда. Бугунги кунда Жиззах шаҳридаги «Барно плюс» МЧЖда компьютер кейслари, «Евро-Азия-Карпет»да гилам маҳсулотлари, Фаллаоролдаги «Дедосапант»да турли хил бўёқ, Арнасойдаги «Афросиё»-турк-сервис»да безакли гишт маҳсулотлари ишлаб чиқарилапти.

Вилоят марказидаги узок вақтдан бери ишламаётган пайпоқ тўқув ҳамда ип-йигирув фабрикалари негизда текстил маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари барпо этиш борасида кенг қўллаб-қувватлаш аналга оширилмоқда.

**Абдуманнон АЗИМОВ, «Ishonch» муҳбири**

# Касаба уюшма ҳаёти

## Хукуқий ёрдам кўрсатилмоқда

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ва жойлардаги касаба уюшма ташкилотларининг жорий йил учун белгиланган иш режасида хавфсиз иш шароити яратиш масаласи ҳам мавжуд. Маълумотларга қараганда, бу борада Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят кенгашларининг меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилган.

Жумладан, қишлоқ ҳўжалиги учун ишлаб чиқарилаётган техникаларнинг «Техник шартлари» атрофлича кўриб чиқилди ва маъқулланди.

Ишлаб чиқаришда жароҳат олган ходимларнинг 200 нафардан зиёдида хукуқий ёрдам кўрсатилди.

Ўз мухбиримиз

## Фойдали ҳамкорлик

Яқинда Навоий вилоятига Чехия Республикаси таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вакиллари ҳамда бир гуруҳ ишбилармонлар ташриф буюришди. Педагогика институтида бўлиб ўтган учрашувда манфаатли музокаралар олиб борилди. Иқтидорли ёшларнинг билимини бойитишга қаратилган қатор тавсиялар ўртага ташланди.

Профессор Вероника Новосолова ва Жан Подрушек бевосита мулоқот чоғида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Мансур АЛОВУДИНОВ, «Ishonch» мухбири

## Дилрабо куй ва кўшиқ

### ҳашарчиларга завқ-шавқ бағишлади

Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгаши соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда ҳашарчиларга зарур шарт-шароитларни яратиш, уларга кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Барча ётоқхоналарга керамика дори-дармонлар етказилди. Бу ишга вилоят тармоқ касаба уюшма кенгаши маблағидан 2 млн. сўм сарфланди.

Бундан ташқари, ҳашарчилар учун кечқурунлари маданий тадбирлар ташкил қилинмоқда. Жондор, Олот, Когон, Шофиркон, Ромитан каби туманларда тиббиёт ходимларидан ташкил толган бадий ҳаваскорлик жамоаларининг дилрабо куй-кўшиқлари ҳашарчиларга завқ-шавқ бағишлamoқда.

Ўз мухбиримиз

## Кўрик-танлов яқунланди

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилаётган «Энг намунали бошланғич ташкилот» республика кўрик-танловидан кўзланган асосий мақсад таркибий тузилмани такомиллаштириш, касаба уюшмаси барча куйи бугун ташкилотларининг обрўсини оширишдир.

Куйи кеча ушбу кўрик-танловнинг Андижон вилоят босқичи яқунланди. Мазкур кўрик-танловда туман, шаҳар босқичлари ғолиблари ҳамда олий ва ўрта махсус, касб-хуна таълими муассасалари бошланғич касаба уюшма ташкилотлари иштирок этишди.

Ғолиблар вилоят кенгашининг қимматбаҳо совғалари ва махсус диплом билан тақдирланди.

Ҳамидулло МАТИСАЕВ, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилоят кенгаши раиси ўринбосари

# Тадбиркор – элга, палата – тадбиркорга таянч

(Давоми. Боши 1-бетда) — **Кўрғазмалар, ярмаркалар ташкил этиш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш борасида қандай ишлар олиб борилмоқда?**

— «Ўзэкспомарказ»да ташкил қилинаётган кўрғазмаларда қорақалпоғистонлик тадбиркорлар қатнашишида бошқошимиз.

Шунингдек, тадбиркор,

фермер ва хунармандларнинг хорижда ташкил қилинган ярмаркаларда ҳам иштироки таъминланаётди. Бу йил тадбиркорларимиз Франция, Хиндистон ва Хитой кўрғазмаларида бўлишиб, ўзлари учун зарур бўлган техникаларни бевосита ишлаб чиқариш жойидан сотиб олиш имкониятига эга бўлишди.

«Қорақалпоқтуризм» МЧЖ

директори Махсет Қарлибоев «InWent» дастури бўйича «Туризмни ривожлантириш» мавзусида Германияда тажриба алмашиб қайтди.

Бошқармамиз томонидан чет эллик ишбилармонларни Қорақалпоғистонга таклиф қилиш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқариш билан таништириш ҳам аниқланган.

Қозоғистоннинг «ҚазАгро

Инновация» акциядорлик жамияти вакиллари, Дунё банки консултанти Давид Прис, Германиянинг Ўзбекистондаги элчиси Кристиан Нелл, Корейнинг «EURO CAD» компанияси менеждери Ким Донг Меонг ва бошқаларнинг ташрифи муваффақият эшигини очиб берди, десак янглишмаган бўламиз.

Шу ўринда «Ташаббус»

кўрик-танлови ҳақида алоҳида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Бу йилги туман босқичида мингдан зиёд юртдошимиз иштирок этиб, ўз маҳоратини намоиш қилишди. Унда ғолиб чиққан 46 нафар юртдошимиз эса республика босқичидаги кўрғазма-ярмаркада иштирок этишди. Ушбу босқичда «Йилнинг энг яхши хунарманди» номинацияси бўйича биринчи ўринни эгаллаган Озодбой Отарбоев мамлакат босқичида «Йилнинг энг яхши хунарманд оиласи» номинацияси ғолибига айланди.

Умуман, тадбирларимизнинг имконияти кенг. Истагимиз эса ҳар бир хунарманд, тадбиркор ёки фермер эзланиб чинакам таянчига айлансин. Бозорларимиз ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлиб-тошсин, юртдошларимиз турмуши янада фаровон бўлсин!

Мухаббат ТУРАБОВА суҳбатлашди

## Халқаро сайёҳлик ярмаркаси яқунланди

«Буюк Ипак йўли бўйлаб саёҳат» XVI Халқаро Тошкент сайёҳлик ярмаркаси ниҳоясига етди.

«Ўзэкспомарказда» «Ўзбекитуризм» миллий компанияси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда 36 мамлакатдан беш юздан ортиқ сайёҳлик компанияси қатнашди.

Суратда: ярмаркадан лавҳа. Ёркин ШАМСИДИНОВ (ЎЗА) олган сурат



## Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси фаолиятдан

# Эъзоз ва меҳрга муносиб

Аъзоларимизнинг 64 фоизини гўзаллик тимсоли бўлмиш хотин-қизлар ташкил этади. Вилоят касаба уюшма кенгаши қошида икки йилдан буюн Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси фаолият юритаётгани ташкилотимизнинг аёлларга эътибори намунасидадир.

Хотин-қизлар саломатлигини яхшилаш, ижтимоий муҳофазасига муҳтож аёллар, ёшларнинг моддий қўллаб-қувватлаш масалалари жамоа шартномалари ва келишувларига кириштирилиб, ўтган даврда ижтимоий шерикчилик асосида 245 та кам таъминланган ёш оилаларга 7,548 минг сўмлик, фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар бўлган 71 нафар аёлга 1,542 минг сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди, 16 нафар аёлга туғилгач ва туғилгандан кейин ҳақ тўланадиган таътиллар куйи узайтирилди, 211 та кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларига 2,957 минг сўмлик ўқув қуроллари харид қилиб берилди.

Бугунги кунда вилоят ўрта махсус таълим тизимидаги 91 та ўқув муассасасининг 16 тасига аёллар раҳбарлик қилмоқда. Халқ таълими тизимидagi 796 та таълим-тарбия масканидан 370 тасини аёллар бошқараяпти. Тармоқнинг 707 бошланғич касаба уюшма ташкилотининг 310 тасига жамоатчилик асосида аёллар етакчилиги қилаётди.

Меҳнаткашлар, айниқса, аёллар ва ёшларга қулай меҳнат шароитлари яратилиб, маънавий-маърифий хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида кутубхона, спорт иншоотлари фаолияти такомиллаштирилмоқда. Бошланғич ташкилотлар ишини яхшилаш мақсадида ҳафтанинг ҳар чоршанбаси «Бошланғич ташкилотлар куйи» деб эълон қилинди ва амалий ёрдам ташкил этилди.

Шунингдек, вилоят кенгаши қошида ташкил қилинган доимий ўқув-семинарларда хотин-қизлар ҳуқуқлари, имтиёзлар, бандлик кафолатлари тўғрисида маърузалар ташкил қилинган.

Инсон ҳаёти ҳар нарсадан азиз. Касб касаллигига чалинган боғотлик ўқитувчи Р. Ҳикметовага 267 минг сўм миқдордаги бир йўла ва соғлиғига етказилган зарарини қоплаш учун ҳар ойда тўланадиган товон пули ундириб берилди. Монок касб-хуна колледжи ўқитувчиси М.Шержанованинг манфаатини кўзлаб, Шовот туманлараро судига даъво аризаси киритилиб, унинг фойдасига 1, 151 минг сўм ва

ҳар ойда тўланадиган 137295 сўм миқдордаги маблағ ундириб берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болалар репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эса бизнинг зиммамизга янада янги вазифаларни юкляди.

Аёллар саломатлигини муҳофазаси қилишга турли спорт мусобақалари, спартакиада ва бошқа маданий-оммавий тадбирларни мунтазам равишда ўтказиш орқали ҳам улуш қўшаймиз. Аёллар спартакиадаси ва «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз» спорт мусобақаларини ўтказиш аниқланган. Анъанавий давом эттирган ҳолда жорий йилда VII Аёллар спартакиадаси 3 босқичда ўтказилиб, унга 3 мингта яқин хотин-қиз жалб қилинди. «Аёл борки, олам мунавар» мавзусида байрам тадбири уюштирилиб, концерт дастури намоиш қилинди.

Мусасар РАҲИМОВА, Хоразм вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раиси, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси

## Кеча ва бугун

### Эсласам, юрагимни ҳануз ҳаяжон босади. Ишга кўникиш эндигина Тошкент давлат университетини битириб келган қизга қийин бўлганди.

Жамоада рус тилида гаплашишга, ҳужжатларни ҳам шу тилда юритишга мажбур эдик. Ўзбек тилига «Давлат тили» мақоми берилиб, орадан кўп ўтмай, жонажон диёримизнинг мустақил, дея эътироф қилиниши ҳаммасини тубдан ўзгартириб оборди. Даставвал рус тилида чоп этиладиган «Золотая долина» газетасида ўзбек тилида чоп этиладиган саҳифани муштарийларга етказиш йўлга қўйилди. Маҳаллий радио эшиттиришларида ҳам икки тилда хабар ва лавҳалар берилди бошланди. Давлат тилини ўрганиш юзасидан ўқув курслари жорий қилиниб, унга талабгор ходим ва ишчилар жалб этилди.

# Олдинги сафдамиз

Кези келганда, кўпмиллатли шаҳар аҳолиси ўртасида олиб борилаётган ишлар хусусида ҳам тўхталиб ўтсам. Шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси қошида «Раҳбар аёллар» клуби ташкил этилган бўлиб, улар сафида касаба уюшма етакчилари ҳам бор. Тадбирлар чоғида хотин-қизлар билан бир қаторда вояга етмаган ёшлар ҳаётига ҳам тўлақонли кириб боришга интилаймиз. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда, жорий йилнинг ўтган даврида шаҳар Жомеъ масжиди, «Маънавият тарғибот маркази», ИИБ ҳамда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда жойларда 50 дан ортиқ тадбир ўтказилган эришдик. Ҳар бир оилада соғлом маънавий-ахлоқий муҳит барпо этиш, фарзандлар тарбиясида ота-оналар масъулигини янада ошириш борасидаги тадбирлар, албатта, ўз натижасини бераётди.

Бундан ташқари, тўй-маъракаларни ихчам ўтказиш, ортиқча исрофгарчиликларга йўл қўймастик, миллий қадрият ва удумлирини эъзозлаш каби масалаларда ўзимизга хос, ўзимизга мос тизимни жорий қилишга киришганмиз.

Зулхумор ЖўРАЕВА, Зарафшон шаҳар ҳокими ўринбосари

# Фожиа рўй бермаслиги мумкин эди...



Жамоа шартномаларида белгиланган мажбуриятлар бажарилса, меҳнат муҳофазаси талабларига тўлиқ риоя этилса, иш суърати ортиб бораверади. Меҳнат қончилиги бузилган жойдан эса барака

кепада. Эътиборсизлик, лоқайдлик қимматга тушади. «Янгийўлдавсув-махсус пудрат» давлат унитар корхонасида меҳнат муҳофазаси қоидалари қўпол равишда бузилганиги сабаб навқирон йигитнинг умр шами бевақт сўнди.

«Глобал ҳамкор Сервис» МЧЖ билан шартнома тузган «Янгийўлдавсувмахсус пудрат» корхонаси Сирдарё вилоятининг Мирзаобод тумани ҳудудига «Сардоба» сув омборини барпо этаётган эди. Корхонанинг учта экскаватори, ик-

кита булдозери коллекторларни реконструкция қилиш ишларига жалб этилган. Булдозер ҳайдовчиси Рустам Мусаев ўзига бириктирилган «Т-9-01 КБР-1-01» русумли кудратли техника ёрдамида ер текислаш ишларини амалга оширарди. Техника қоқ тушгача тиним билмай ишлади. Тўшдан кейин Рустам Мусаев ўзининг бошқарувида бўлган техника рулига ўтириш ўрнига, ҳамкасбларининг

## Меҳнат муҳофазаси

Булдозер негандир олд тарафга эмас, орқага тисарилаётган ва чуқур коллекторнинг лаби-га бориб қолган эди. О.Файзиев ҳамкасбини огоҳлантириш

бўлди, аммо улгурга олмади. Қудратли техника ўз мувозанатини йўқотиб, коллектор ичига ағдарилади. О.Файзиев ва экскаваторчи Э.Чолдибеков воқеа содир бўлган жойга зудлик билан етиб борган бўлсалар-да, ёрдам бера олмадилар.

Р. Мусаев бошидан оғир тан жароҳати олиб, воқеа жойида ҳаётдан кўз юмди. Ушбу бахтсиз ҳодиса юзасидан текширув ва суриштирув ишлари ўтказилди. Аниқла-нишича, корхонада меҳнат муҳо-

### Дала меҳнаткашлари хузурида Ҳашарчига мадад

Шу кунларда республика-миз далаларида пахта йиғим-терими қизгин давом этмоқда. Бундай масъулиятли паллада халқимизнинг азалий қадрияти — ҳашар жуда қўл келмоқда. Билагида кучи, юрагида ўти бор ҳар бир юрт-

дошимиз пахтакорга кўмак учун далага отланган. Ўз навбатида, ҳашарчилар ҳар томонлама моддий ва маънавий кўмакдан баҳраманд бўлишарди. Зомин туман таълим ва фан ходимлари бирлашган касаба уюшма

кўмитаси фаоллари теримчилар хузурида бўлиб, суҳбат ва учрашувлар ташкил этишарди. Ҳашарчиларга озиқ-овқат маҳсулотлари, иссиқ кийим-кечак тарқатилмоқда.

А.СОДИҚОВ,  
Жиззах вилояти

## Рағбат

**Куни кеча Тошкент вилояти савдо ва тадбиркорлар касаба уюшмаси кенгаши ходимлари Янгийул тумани «Қовунчи» қишлоғи ҳудудидаги пахтакорлар хузурида бўлишди. Уларнинг яшаш ҳамда иш шариоити билан яқиндан танишиб, илғорларга вилоят кенгашининг қимматбахо совғаларини топширишди.**



**Баҳодир Мирзаев, тармоқ касаба уюшмаси вилоят кенгашининг раиси:**

—Тадбирлар давомида нафақат мукофотлаш, балки ходимларни ташкилотимиз томонидан амалга оширилган ишлар ва келгусидаги режалар билан ҳам таништириб боришни йўлга қўйганмиз. Бу эса аъзоларимизни энгиллаштирмоқда.

**Р.Олимов, илғор теримчи:**

—Касаба уюшма фаолларининг ташрифидан ниҳоятда хурсанд бўлдик. Гап совғада эмас, балки ҳар бир ташкилотнинг инсон омилига эътиборида, деб ўйлай-

ман. Шу боисдан ҳам вилоят кенгаши ходимларига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

**Н.Ғуломов, «Ислом борака» фермер ҳужайиши аъзоси, илғор теримчи:**

—Халқимизда «Бўғдой нонинг бўлмаса ҳам, бўғдой сўзинг бўлсин» деган нақл бор. Бу нарса бугун яна бир қарра ўз исботини топди. Чунки рағбат кишига руҳий тетиклик бағишлаб, унумли меҳнатга ундайди.

Тадбирда Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг раиси Шухрат Деҳқонов иштирок этди.

Неъмат РАФИҚОВ,  
«Ishonch» мухбири

## Хайрли ишнинг адоғи йўқ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг «2010 йил пахта йиғим-теримида республика касаба уюшмалари ташкилотларининг иштироки тўғрисида»ги қарори Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси кенгаши томонидан оғишмай бажарилмоқда.

Шу кунгача пахта йиғим-теримида иштирок этган ҳашарчиларга кенгаш томонидан 3 млн. 600 минг сўмлик қимматбахо совғалар тақдим этилди. Бундай хайрли ишлар жойларда давом этмоқда.

Л.БОЙБЎСИНОВА



**Ҳар бир инсон ўз толеи, ризқ-рўзи билан яратилган. Шундай бўлса-да, олиннинг олтини-ю кўрмаган ерлари кумушини орзу қиладиган бесабр кишилар ҳам орамизда йўқ эмас.**

# Ўт юртларнинг кумуши...

Дилшод Жўраев ҳам туппа-тузук яшаётган эди. Оиласи ўзига тинч, тағида машина. Аммо хом сут эмган банд Уткир исми ўртоғи тавсияси билан Зокир Васиевнинг идорасига борди-ю, бирдан ўзгарди-қолди. Қишлоқ йиғити ҳожабдор таниши уни яқин орада Норвегияга юбориши, у ерда ойлиги 3000 АҚШ долларидан кам бўлмаган ишлар қалашиб ётганини эшитгач, сафар тадоригига тушди. Отасининг «Ўт юртларда қадр топа олмайсан. Оилангда, кўзим олдига юртин», дея қилган насиҳатлари кор қилмади. Зудлик билан йўлқира ва тиббий кўрик харажатларидан ташқари, яна 6000 АҚШ долларини қарз-қавола қилиб жамлашга киришиб кетди. Тайинланган «кук» пулларнинг маълум қисмини Зокирбойга тутқазган Дилшод ҳар яқшанба машинасини бозорга соларди. Яқинлардан йиғилган пуллар ҳам Зокирбойга қўш қўллаб тутқазиларди. Қунар кетидан қунар, ойлар кетидан ойлар ўтиб бораверди. Ваъдалар янгилини тургани билан, виза ҳақида сира оғиз очилмасди. Хуноби ошган йиғит тутқаканча яна Зокир Васиевга учрашди. Воситачи йиғит пинагини бузмай Норвегиядан рад жавоби келганлиги, аммо харажатларидан қочмас, Канадага юборилишини айтиб, талабгорнинг кўнглига қўл солди. У маоши нақд 5000 АҚШ долларидан кам бўлмагани ҳақида айтганда, ёш боладек шодланиб, қанот чиқарганча олис юртга умқоққа шай бўлди. Дилшод айтилган 6000 АҚШ долларини воситачига тутқазгач, яна 870 АҚШ долларини Зокирбой

таништирган Нодир исми одамга санаб берди. Ахир, йўл ҳақи, ҳужжатларни расмийлаштириш ишлари ҳам қанча тез битса, шунча яхши-да. Орада яна бир «шерик»нинг номи аниқланиб қолди. Бу виза очтириши тезлаштирувчи Сергей Кулюкин эди. Кутилган онлар чўзилгандан чўзилаверди. Охир-оқибат, дарғазаблик билан талабгор йиғит Зокирбойнинг офисига кириб борди. Ушанда билса, Дилшоднинг паспорти Москвада эмас, балки З.Васиевнинг тортмасида ётган экан. Йиғит кўнгли яна умидбахш тўқима гаплар билан тўлдирилди. Гўёки Канадада кризис чуқурлашаётганимиш. Агар хоҳламаса, тараққиёт маркази саналган Францияга виза очтириб беришармиш. Энг ёмони «йўқ» ёки «ҳа» деган жавобни аниқлаш учун яна анча кутуш лозим бўларди. Бир куни Дилшодга Зокирбой кўнгирак қилиб, Нодирга яна 4300 АҚШ долларини оқибатини ва ўзи Москва шаҳрига учуши лозимлигини айтиб қолди. Ҳечдан кўра кеч, деганларидек, Дилшоджон шунисига ҳам шуқур қиларди. Оила аъзолари билан хайр-хўшлашиб олис Москва сари йўл олди. Лекин муаммоларнинг зўри ҳали олдинда экан. Сергей Кулюкин уни кутиб олиши тугул, қорасини ҳам кўрсатмасдан юрди. Охири не машаққатлар билан уни топишга эришди. Рус йиғитининг мақсадсиз нигоҳидан яна билдикчи, Франция сафари шунчаки ўйлаб тўқилган гап экан. Кулюкин иложсизликдан қутилиш учун йиғитни

четроққа чорлаб, бошқа бир таклифни қўлоғига шипшитди: «Энди гап бундай, ука. Германия ривожланган мамлакат. У ерда сен албатта ўзинга мос иш топа оласан. Ҳозирда Арабистон давлатида исломга эътиқод қилувчи дунё халқлари анжумани ўтказилаяпти. 34000 рублга Германия орқали учиб ўтувчи самолётга Арабистонга билет олгин. Самолёт Германияга кўнганда ўша ерда тушиб қоласан». Мусофирликдан келган иложсизлик жуда ёмон бўларкан. Дилшод таклифни қабул қилишни ҳам, рад қилишни ҳам билмасди. Шу тахлитда Сергей Кулюкин қўлидаги кўғирчоққа айланди-қолди. Дилшод катта пулга чипта сотиб олгач, уни эртаси куни арабларга хос кийим-бош билан ясантириб аэропортга олиб борди. У ерда боқона назорати ходимлари конференция аллақачон тугаб кетгани, ҳужжатлари мос келмаслигини айтиб, Дилшодбойнинг ҳавога кўтарилишига рухсат беришмади. Бозори касод бўлган одамдек орзуманд йиғитнинг кайфияти жуда ўсал ҳолда эди. Бунни кўрган Кулюкин қандай бўлмасин уни бирор ёққа жўнатиб, бошидан ошириш пайига тушди: «Унда сени Голландияга кузатиб қўяман. У юртда бир адвокат дўстим бор. Қўлида исми-шарифинг ёзилган табло ва гуллар билан сени кутиб олади». Дилшод Жўраев бу энг сўнги имконияти эканлигини тушуниб турарди. Шунинг учун отасига кўнгирак қилиб, янги йўналиш чиптаси учун яна 800

АҚШ доллари топиб жўнатишини зорланиб сўради. Чипта сотиб олишни Кулюкин ўз зиммасига олганди. Эртаси куни ҳеч қутилмаган воқеа юз берди. Мезбон унинг киши кийимларини ечинтириб олиб, эгнига энгил, ёғи футболки кийиб кўйди. Иссиқ юртларда кулг бўлмасин, деган бўлса керак-да. Самолёт Голландиянинг Амстердам шаҳрига кўнди. Мусофир йиғитни ҳеч қим кутиб олмади. Маҳаллий полиция уни ушлаб, натижасиз суриштирувлардан кейин уч ой турмада сақлади. Кейин эса депорт қилиниб, Россия заминига жўнатди. Ана шунча гаплар. Одам савдоси билан шуғулланган Зокир Васиев-ку, қилган жиноятига яраша жазосини олди. Аммо бор бундан айрилган Зокир Жўраев ўз қаддини тиклаб олиши учун қанча вақт керак бўларкин? Шухрат РАЗЗОКОВ,  
Нуробод туман прокурори ёрдамчиси



## Фавкулудда вазият туфайли

Яқшанба куни Истамбул-Тунис йўналишида парвоз қилаётган самолёт ҳаво гирдобига тушиб қолгани сабабли 4 нафар йўловчи ва 4 экипаж аъзоси жабрланган. «Турк ҳаво йўллари» авиакомпаниясига тегишли «Airbus 330» самолёти Тунис аэропортига қўнишига 20 дақиқа қолганда фавкулудда вазиятга тушиб қолса-да, ҳалокатсиз қўнишга муваффақ бўлди. Авиакомпания вакилларининг таъкидлашича, ҳодиса нокулай об-ҳаво шариоити туфайли содир бўлган. Жабрланган йўловчилар Тунис ва Алжир фуқаролари бўлиб, улар ҳамда жароҳатланган экипаж аъзоларидан 3 киши касалхонага ётқизилди.

## Энг қиммат сайлов

Қонунчилик органларига ўтказилаётган навбатдаги оралик сайловлар АҚШ тарихида энг серхаражати бўлиши кутилмоқда. «Center for Responsive Politics» аналитика ташкилотининг ҳисоб-китобига кўра, номзодлар тарғибот учун умумий ҳисобда 3,4 млрд. доллар сарфлашади. Мазкур харажатлар 2006 йилда 2,9 млрд., 2002 йилда эса 2,2 млрд. долларни ташкил қилган эди. Бу ҳолатга сабаблардан бири сифатида мамлакатда яқинда қабул қилинган, мустақил компанияларнинг чекланмаган микдорда, баъзи ҳолларда эса аширин йўл билан номзодларни қўллаб-қувватлаш ёки қарши чиқиш тадбирларига ҳомийлик қилиши ҳақидаги қонун кўрсатилмоқда. Сайловларда вакиллар Палатасининг 435 аъзоси ҳамда 37 сенатор қайта сайланади. Айни пайтда парламентнинг ҳар икки палатасида ҳам Демократлар партияси аъзолари кўпчиликини ташкил қилмоқда. Аммо жамоатчилик бўлажак сайловларда Республикачилар партиясини қўллаб-қувватлашни маълум қилган. АҚШда сайлов кампаниялари фуқаро ва турли ташкилотларнинг ихтиёрий қўллаб-қувватлаши ҳисобига молиялаштирилади. Алоҳида ҳолларда фақатгина президентликка номзодлар давлат ҳисобидан таъминланади.

## Омад келса...

8 октябр куни Фарбий Европа мамлакатларида бўлиб ўтган «EuroMillions» лотерея уйинида Британия фуқароси рекорд суммани ютиб олди. Лотереянинг Британиядаги ташкилотчиси бўлган «Camelot» компаниясининг ОАВга берган маълумотларига қараганда, голиб 113 млн. фунт соҳиби бўлади. Компания вакилларининг таъкидлашича, бу нафақат «EuroMillions» тарихида, балки бутун Британия лотерея уйини тарихидаги битта билет билан ютиб олинган энг йирик суммадир. Голибнинг кимлиги ҳозирча маълум қилингани йўқ. Европанинг «Agence France-Presse» ахборот агентлиги мукофотнинг аниқ микдорини эълон қилди: 129 млн. 818 минг 431 евро. Агентликнинг хабар қилишича, «EuroMillions»да сўнги рекорд ўтган йили эълон қилинган бўлиб, унда Испания фуқароси 126 млн. евро ютиб олган.

## Илк парвоз

Куни кеча «Virgin Galactic» компаниясига тегишли «SpaceShipTwo» космик кема-си илк бор парвоз қилди. Кема дастлаб «Оқ рицар 2» ташувчи-самолёти ёрдамида 13,7 километр баландликка кўтарилган, сўнгра парвозни мустақил давом эттирган. 11 дақиқа давом этган парвоздан сўнгра кема Мохаве космодромга қўнди. Синов жами 25 дақиқа давом этган. Учиш давомида «Virgin Galactic» мутахассислари кеманинг техник имкониятларини текшириб, синовдан ўтказишди. Matbuot анжуманида айтилишича, синов пайтида «SpaceShipTwo»нинг техник тизимлари ҳатосиз ишлаган. «SpaceShipTwo» суборбитал парвозлар учун мўлжалланган бўлиб, у космик фазонинг 100 километрни шартли чегараси бўйлаб учди. Кема 6 кишини фазога олиб чиқа олади. Унда саёҳат қилиш нархи эса 200 минг АҚШ долларини ташкил этади. Айни пайтда, бўлажак парвозлар учун 370 та космик сайёҳ рўйхатга олинган бўлиб, ундан тушадиغان маблағ 50 млн. доллар бўлиши кутилмоқда. Кеманинг илк тижорат парвози санаси эса ҳозирча маълум қилингани йўқ.

## Мактабдаги фожиа

АҚШнинг Калифорния штати Сан-Диего шаҳрида номаълум жинояти мактаблардан бирини ўққа тутди. Воқеа гувоҳлари ҳамда маҳаллий полиция идорасининг хабарларига кўра, 6 ва 7 ёшдаги икки бола яраланган. Маълум бўлишича, жабрланган болалар танафус пайтида мактаб худудидан ташқарига тушликка чиқишган. Жиноятчини эса воқеа сойи яқинида ишлаётган қурувчилар қўлга олган. Ҳодисадан сўнгра барча ўқувчилар мактаб яқинидаги паркка кўчирилиб, ота-оналари уларни ўша ердан олиб кетган. Айбланувчи 41 ёшда. Дастлабки текширувларга кўра руҳий касал бўлиб, шахси ҳали аниқланмаган. Унинг машинасида эса пропан баллони ва тўппонча топилган.

Интернет хабарлари асосида  
Жаҳонгир ЮНУСОВ тазйирлади

Истиқлол шарофати



Пойтахтимиздаги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли Ихтисослаштирилган касб-хунар коллежида бугун катта тантана.

Энг катта савоб

Талабалар, уларнинг ота-оналари коллеж янги биносининг очилиш маросимига йиғилишган. Коллежимизга ногиронлиги бўлган, ўрта маълумоти ёшлар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳудудий бошқармаларининг йўлнамалари асосида қабул қилинади...

Жумаев айна вақтда Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институтининг талабаси. Сирожиддин Зайниддинов эса карлар ўртасида Швейцарияда ўтказилган Бунтжаҳон олимпиада ўйинларининг олтин медал соҳиби...

Жумаев айна вақтда Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институтининг талабаси. Сирожиддин Зайниддинов эса карлар ўртасида Швейцарияда ўтказилган Бунтжаҳон олимпиада ўйинларининг олтин медал соҳиби...

Р. НЕЪМАТОВ

Нодавлат-нотижорат ташкилотлар фаолиятдан

«ИМКОН»НИНГ САХОВАТИ

лар. Ўқув марказида алоҳида синфхоналар, ошхона, ётоқхона, машғулот заллари ташкил қилинди. Сақиз нафар олий маълумотли ўқитувчи Тошкент давлат педагогика университетининг дефектология факултетидан қайта ўқитилди...

ди билан ҳамкорликда «Мактаблар ва болалар боғчаларида инклюзив таълимни татбиқ этиш» лойиҳаси бўйича Термиз шаҳридаги 1-умумтаълим мактабиди 7 нафар, 16-мактабга...

Термиз шаҳрида фаолият кўрсатаётган «ИМКОН» ногирон болалар ва уларнинг оиласини қўллаб-қувватлаш маркази фаолиятини бошдан-оёқ савобга йўғрилган.

Мазкур нодавлат-нотижорат ташкилотнинг кўплаб лойиҳалари мавжуд. Жумладан, «ИМКОН» лойиҳаси бўйича шаҳар ҳокимлиги, архитектура ва лойиҳалаш ташкилотлари ҳамкорлигида ҳудуддаги муассаса, савдо шохобчалари ва янгидан қурилатган иншоотларга ногиронлар аравачаси бемалол кириб чиқиши учун пандуслар барпо этилди.

Жаҳон чемпионати



8-10 октябр кунлари Тошкент шаҳрида таэквондо «пумсе» бўйича V жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Қизгин баҳсларга бой мусобақа юртимизнинг халқаро турнирларига муносиб меъзолик қила олишини яна бир қарра исботлади.

Юқори савияда ўтди

Бунтжаҳон таэквондо федерацияси (WTF), Ўзбекистон таэквондо WTF ассоциацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган чемпионатда ўсмирлар, хотин-қизлар, катталар ва фахрийлар ўртасида яккалик, жуфтлик ва жамоавий «пумсе» — комплекс машқларни бажариш бўйича мусобақалар ўтказилди.

Акмал ТОШЕВ, Нарзулла МАХАМОВ, «Ishonch» мухбирлари

Бир умр миннатдорман

Хаётимда кўп устоз кўрдим. Бирни адабиётга, бири санъатга, яна бири эса, спортга меҳр уйғотган. Тошкентдаги 6-мактабда 1944-1945 йиллари ўқийётган чоғимда Эркабой Собиров деган иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси дарс берар, у жанг жадалларда қон кечганига қарамай, юмшоқтабиат, ширинсўз бўлиб, болаларни жуда яхши кўрарди...

ер беришиб, яна кўч-кўч қилишди. У ерларда ҳатто бир туп дарахт йўқлиги учун, Тентакской дейишаркан. Ер-тўлада яшасак-да, маконимиз канал бўйида койлашганига, сув мўйлигига севиндик. Доимидек пинагимизни бузмай, молимизни боқиб, ишлаб юрганамизда, иккита қозоқ муаллим уйимизга келиб: «Ўқинглар, болалар, ўқинглар. Ўқишнинг эрта-кечи бўлмайди. Қозоқ тилида бўлсада, илм олинглар», деб мактабга ёзиб кетишди.

да Бахтибой Аслбеков: «Китоб ўқишга қизиқиб қолган бўлсанг, уйга юракол, китобларим кўп. Хоҳлаганингни ўқий-вер», деб уйларига олиб бориб, жавон тўла китобларини кўрсатгани хали-хали эсимда. Абай Қунанбоев, Жамбул Жабаев, Махамед Утемишов, Ибрагим Алтинсарин, Чўқан Валихонов ва бошқа оқин ёзувчилар асарлари билан танишдим. Устоз Мухтор Аvezовнинг «Абай йўли» романини қўлимга тутқазиб: «Шошмасдан ўқи. Бирор-та...

Кам ухлаб, кўп ишлардим. Шу ўрганган одатимни ҳамон-хануз тарк этганим йўқ. 24-урта мактаб (Чиноз тумани)да адабиёт ўқитувчимиз Латиф ака Холбоев шу фанга қизиқшимини билиб, кўп ёрдам берарди. Қозоқ мактабда ўқиганим учунми, ўз тилимга келганда кўп сузларга тушунмасдим. Луғат дафтаримни ёнимдан қўймай, тилини ўрганганим-ўрганган эди. Устоз Латиф ака мумтоз адабиётни ўқишни насихат қиларди. Алишер Навоий, Муқимий, Фурқат, кейинроқ Махтумқули, Хабибий, Собир Абдулла асарларини берилиб ўқиб, ўзим ҳам ижод қилиб, ижод машаққатларини сездим. Аста-секин матбуотда ҳам кўриниб, ижодим билан халққа танила бошладим.

Устозлар ёди

си бу адиб олдиға тушолмайди», деган эди. Бора-бора бир қанча қозоқ шоирлари шеърларини ўқиб, ўрганиб, айримларини ёд ола бошладим. Ҳатто, қўлимга дўмбира тутиб, қозоқча ашуларлар ҳам айтадиган бўлдим. Умуман, қозоқча гапиришга, қозоқча ўқишга, қозоқча ёзишга ва урф-одатларига ўрганиб қолгандим. Қозоқ болалари билан гурунлашиб, қишлоқ хонадонлари бўйлаб қозоқча рамазон айтганларимиз-чи!

Advertisement for 'Ishonch' newspaper, including contact information, subscription rates, and a list of staff members like T. Shernayev and A. Abdullayev.